



ЁШЛАРДАГИ АХБОРОТ-ВИРТУАЛ САВОДХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МЕДИАНИНГ РОЛИ

Хайдарова Х.Р.

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети “Педагогика
ва умумий психология” кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.*

Таянч сўзлар: рақамли медиа, ахборот-виртуал маданият, медиамаданият, виртуал саводхонлик, Нетворк рақамли алоқалар, рақамли этикет, рақамли технологиялар, ёшлар, ота-она, тарбия.

Ключевые слова: цифровые медиа, цифрово-виртуальная культура, медиакультура, виртуальная грамотность, Сетевые цифровые коммуникации, цифровой этикет, цифровые технологии, молодежь, родители, образование.

Key words: digital media, digital-virtual culture, media culture, virtual literacy, Network digital communications, digital etiquette, digital technologies, youth, parents, education.

Кириш. Ахборотлаштириш сўнги юз йилликдаги илмий-техникавий тарақ-қиётни ифодаловчи шакли ва самараси бўлиб, бу ҳар қандай тараққиёт босқичида бўлгани каби ўзининг икки хил хусусиятига эгадир. Улардан бири ахборот техникаси ва ахборот технологияларини тарқатишда алоҳида техник аҳамият касб этса, иккинчиси эса жамиятда кечаётган жараёнларга ва инсонларнинг алоҳида турмуш тарзига таъсир кўрсатишида намоён бўлган ижтимоий ўзлигини англаб етишда ўз аксини топган. Ахборотлашган жамиятда ахборот воситалари ёрдамида маънавий-ахлоқий ва педагогик омиллар етакчилик қилади.

2022 йил 28 майдаги Ўзбекистон Олий мажлиси Сенатининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларни ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳақида”, 2022 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистонда медиа-саводхонлик тизимини янада такомиллаштириш ва онлайн хавфсизликни таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни

амалга ошириш бўйича Республика комиссияси мажлисининг 1-сонли баёнида мадиамаданият, медиасаводхонлик, медиатаълим каби йўналишларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Бугунги ахборотлашган жамият шароитида таълим-тарбия масаласи мураккаб, кенг қўламли масалалардан бири бўлиб, улкан маъсулиятли ишни оила, маҳалла, мактаб ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим экани исбот талаб қилмайдиган муаммолардан биридир. Шу ўринда виртуал, маданият сўзларининг маъносига қуйидагича изоҳ бермоқчимиз.

Виртуал сўзи рус-ўзбек луғатида эхтимоллий муайян шароитда мавжуд бўлиши мумкин ёки компьютер воситалари ёрдамида акс эттириладиган виртуал борлик, воқелик (компьютер қурилмалари ёрдамида ҳақиқий мавжуд шароитга ўхшаш шароитни яратиш, ҳосил қилиш) каби маъноларни билишимиз мумкин.

Узоқ тарихга назар соладиган бўлсак, “Virtual” сўзи латин сўзидан келиб чиқиб “Vir”, яъни эркак сўзини англатган. Римликлар “Vir” сўзидан янги “virtus” ни келтириб чиқаради ва бу сўз эркакларга хос бўлган барча эркаклик фазилатларини намоён қила олган сўз, жасур, кучли, жасоратли, ахлоқий хулқ-атвор фазилатларига эга, виртус ушбу фазилатларнинг барчаси бир шахсда намоён бўлганда ишлатилган. Виртус маъбудаси ҳам айнан ушбу талқин асосида, қадимги Рим мифологиясида шу номга эга бўлганини айтиш мумкин. Кейинчалик латин тилидан француз тилига, XIII асрда француз тилидан инглиз тилига кириб боради. Компьютер технологиялари инсонлар ҳаётига кенг кириб бориши билан, инглиз тилида бу сўз, virtual сўзи “ҳақиқий ҳаётда мавжуд эмас, лекин дастурий таъминот туфайли пайдо бўлади ” деган маънога эга бўлди. Компьютер технологиялари ривожланган янги даврга келиб виртуаллик ҳақиқий ва ҳаёлий (ёки қурилган) дунё ўртасидаги фарқ чегарасини йўқотадиган маълум бир ҳолат сифатида тушунилади. Виртуаллик ҳақидаги ушбу тушунча педагогика, психология, этика, эстетика ва умуман маданиятда ҳам қўлланилиб келади.

Маданият сўзи эса арабча, мадина - шаҳар, маскан, тараққиёт ўчоғи каби маъноларини англатиб, табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсоний фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодаладиган тушунча. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаётининг фаолияти, ижтимоий гуруҳ ёки жамиятнинг фаолият усулини акс эттиради. Демак, виртуал маданият компьютер, ахборот воситалари орқали акс эттириладиган ўзаро муносабатлардаги инсоний фаолият тушунилади. Виртуал маданиятга ўхшаш



иборалар виртуал саводхонлик, медиамаданият, медиасаводхонлик бўлиб, бу ахборот ва оммавий зўравонликдан ҳимоя қобиғига ўхшайди. Гўёки оммавий ахборот воситаларини тарғиб қилишда рақамли саводхонлик деб қарашимиз ҳам мумкин [6].

Виртуал маданият эса, айнан вртуалликнинг ҳақиқий дунё ва ҳаёлий дунё чегарасини англаб етиш, виртуал воқелиқдан унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Натижалар. Медиатаълим рақамли технологияларнинг ўсиб бораётган таъсири билан узвий боғлиқ ва долзарб аҳамиятга эга. Агар илгари Интернетдан фойдаланиш оддий сёрфинг ва чатлардаги мулоқот билан чегараланган бўлса, ҳозирги пайтда рақамли ташувчилар билан ахборот алмашинуви шунчалик кенг тарқалган ва фаолки, тармоқдан мобил фойдаланиш смартфоннинг дунёга ўзига хос ойна бўлишини таъминлайди, унинг фойдаланувчисини эса фаол фойдаланувчига, ахборот тарқатувчига, уни яратувчига айлантиради. Шу сабабли медиатаълим соҳасидаги рақамлаштириш билан боғлиқ яна бир муҳим тушунчани — просьюмер — медиани яратиш, ишлаб чиқариш, иштирокчисини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Просьюмер сўзи 1980 йилда Элвин Тоффлер томонидан таклиф қилинган бўлиб, “ишлаб чиқарувчи” ва “истеъмолчи/консьюмер” сўзларидан ташкил топган.

Янги ахборот воқелиги ва медиага тўлиб тошган дунёда newmedia: рақамли медиа, мобиль медиа, ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к.лар фойдаланувчисидан нетворкинг, ремиксинг, sharing, контент ва мультимедиани юклаб олиш, яратиш, тарқатиш ва саводли тарзда фойдаланиш кўникмаларини талаб қилади. Айнан шу сабабли newmedia экотизимини таърифловчи янги тушунчалар - рақамли саводхонлик, янги медиасаводхонлиги, мультимедиасаводхонлиги тушунчалари пайдо бўлди [2].

Ҳозирги пайтда гиперматнлилик тушунчаси нафақат рақамли ахборотга, балки тармоқдан фойдаланувчиларга ҳам тегишлидир. Нетворк рақамли алоқалар воситасида барчани ва барча нарсаларни боғлаш тамойили сифатида одамлар ва машиналар, машиналар ва дастурлар, роботлар ва бошқа техникалар ўртасидаги муайян коммуникацияни англатади [5].

Муҳокама. Медиасаводхонлик ҳақида сўз кетганда экспертлар шуни кайд этадики, “кўникмаларнинг анъанавий тўплами кенгаймоқда. Катта маълумотлардан хабардорлик, шахсий маълумотларнинг махфийлиги, интернетда қўлланиладиган алгоритмларни билиш, шунингдек, медиага киришиш ва ундан чиқиш ўртасидаги мувозанатга риоя қила олиш янги медиасаводхонлик компонентлари ҳисобланади” [3]. Шу тариқа фойдала-

нувчининг “online” ёки “offline” режимини тавсифловчи тушунчалар бугунги кунда инсонлараро муносабатларда ва ахборот алмашинувида энг муҳим сигналга айланди.

Медиясаводхонликка тегишли яна бир муҳим тушунча *netiquette* — нетикет (рақамли этикет). Бу сўз Интернетдан фойдаланувчилар хатти-ҳаракатлари қоидаларининг умумийлигидир. Рақамли этикетга риоя қилиш янги ахборот тартибида медиадан саводли фойдаланишнинг мажбурий талабидир.

Бошқача айтганда, мутахассислар шуни қайд этадики, медиатаълим масс-медияни тушуниш ва таҳлил қилишнинг бош шартидир, яъни фуқароларни ОАВ томонидан тарқатиладиган сохта ёки манипулятив ахборотдан ҳимоялашнинг асосига айланмоқда. Айни пайтда у барчанинг ахборот билан алмашишда фаол иштирок этишига сабаб бўлади. Инсонни ахборот жамиятида яшашга ахборот орқали тайёрлаш муаммоси анъанавий равишда халқаро ҳамжамият ва энг аввало, халқаро ташкилотлар диққат марказида туради. ЮНЕСКО медиа ва ахборот саводхонлиги ривожланишига кўмаклашади ва уни “инклюзив, очиқ, иштирокчи ва плюралистик билимлар жамиятини барпо этиш учун замин” деб ҳисоблайди [4].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, ёшларда виртуал саводхонликни ривожлантириш учун хорижий давлатлар тажрибаларидан ўз этник хусусиятларимизга мос келган ҳолда фойдаланиш зарур, деб ўйлаймиз. Зеро, ёшларга мўлжалланган махсус рақамлимедиадан унумли фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, ёшларга рақамлимедиа ахборотларини мунтазам равишда етказиб туриш механизмларини ишлаб чиқиш, виртуал саводхонлик ва виртуал таълим соҳаларини ривожлантириш давр талабига айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, оммавий ахборот воситалари орқали миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга мос келган ҳолда рақамли этикет нормалари ҳақида кўрсатувлар, рекламалар, видео роликлар мунтазам равишда бериб борилса ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларимиз учун муҳим бир дастур бўлар эди. Айнан шунинг учун ёшларда виртуал саводхонликни ривожлантиришда унинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш жуда муҳим омиллардан саналади.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистонда медиасаводхонлик тизимини янада такомиллаштириш ва онлайн хавфсизликни таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика комиссияси мажлисининг 1-сонли баёни, 5 апрел 2022 йил



2. Леушкин Р. В. Виртуальный объект как проблема конструктивного реализма. *Фундаментальные исследования*. -2014. №6. URL.: <http://www.etymonline.com/index.php?term=virtual>

3. Медиа и информационная грамотность в обществах знания / Сост. Кузьмин Е. И., Паршакова А. В.-М.: МЦБС, 2013.-С. 14.

4. Хайдарова Х. Р., Шомуротова Н. Н. Рақамли медиа орқали ота-оналарнинг виртуал маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари // *Academic research in educational sciences*. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 937-941.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола рақамли медианинг ёшларнинг ахборот-виртуал-саводхонлигини ривожлантиришдаги ролига бағишланган бўлиб, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида таҳлил қилинган. Шунингдек, рақамли медиа орқали ёшлар Нетворк рақамли алоқалар, рақамли этикет каби тушунчаларини қай даражада ўзлаштириши алоҳида баён этилган. Бугунги кунда дунё оммавий ахборот воситаларида ахборотни танлаш ва тўғри баҳолаш саводхонлиги долзарб муаммолардан бири эканлиги ва бу муаммонинг ечимини излашда аввало ёшларда виртуал саводхонликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена роли цифровых медиа в развитии информационно-виртуальной грамотности молодежи и анализируется как одна из актуальных проблем современности. Также описывается, в какой степени молодые люди осваивают концепции цифрового общения и цифрового этикета посредством цифровых медиа. Сегодня в средствах массовой информации мира одной из актуальных проблем является грамотность выбора и правильной оценки информации, и в поисках решения этой проблемы особое внимание уделяется развитию виртуальной грамотности среди молодежи.

SUMMARY

This article is devoted to the role of digital media in the development of information and virtual literacy of young people and is analyzed as one of the pressing problems of our time. It also describes the extent to which young people are learning the concepts of digital communication and digital etiquette through digital media. Today, in the world's media, one of the pressing problems is the literacy of choice and correct evaluation of information, and in search of a solution to this problem, special attention is paid to the development of virtual literacy among young people.